

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва калқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлда чиқа бошлаган. № 34 (6. 523) 1988 йил 11 февраль, пайшанба Баҳоси 3 тийин

## Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан

### Маҳсулот хили кўпаймоқда

«Главташкентстрой»га қарашли 1-бўғичи қайта ишлаш заводининг 5-ҳехида ошхона шкафини ишлаб чиқариш кўлаги кўйилганига кўп бўлгани йўқ.

Бу йил, — дейди цех бошлиғи, — корхонамизда тайёрланаётган янги буюмлар сони кўпайди. Цехимиз коллективи корхона эришадиган ютуқларга муносиб ҳисса қўшмоқда. Графикадан ўзиб ишлаётганимиз бунинг далилидир. Цехда тажрибали дурадгор У. Акбаровнинг номи фахр билан тилга олинади. У топшириқни ошириб ва сифатли адо этишда доим ҳамкасбларга ўрнак бўлмоқда. Кундалик топшириқни 130 процент удалашга эришадиган бу пещадам ишчи жамоати ишларида ҳам актив иштирокчи бўлмоқда.

Цех коллективи эса Бутуниттифоқ XIX партия анжуманини йиллик плани бажариб кўтиб олишга аҳд қилди.

### Ёшлар ҳиммати

«Сергели районидagi электр-механика заводи комсомол-ёшлари ишлаб чиқаришдан бундан вақтларида социал, маданий-маиший объектлар қурилишида ҳиммат кўрсатиб ишламоқдалар.

Масалан, улар клуб бунёд этишда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. «Ўзбекпроектмебель» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ёшлари эса ўз оталиқларидаги болалар бочасида «Эртақлар шаҳарчаси»ни қуриб беришга ваъда берган эдилар. Авиамодельчилар ижодий клуби ҳам корхона ёшларининг гайрат-шижоати билан яратилди.

«Ўзторгстрой» трестининг 1-қурилиш-монтаж бошқармаси ёшлари эса шиёохона қурилишини оталиққа олиб кўпгина ишларни амалга оширдилар. «Комфорт» ишлаб чиқариш бирлашмаси ёшлари эса ишдан бўш вақтларида мебельлар туркуминини йиғиб, уни Ҳамза районидagi 272-бўғичлар бочасига совға этишди. Бу бирлашма ёшлари корхонанинг ўзида ҳам кўпгина тадбирларни амалга оширмоқдалар. Масалан, корхонада тайёрланаётган ошхона меъдаларини йиғиб, харidorлар уйига элтиб беришни ташкил этмоқдалар. Районда бундай ибратли тадбирларга кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

### Сифат бош кўрсаткич

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикку ишлаб чиқариш бирлашмасида ўзаро меҳнат беллашуви маҳсулот сифатини яхшилашга ёрдам бермоқда.

Тиккучилардан М. Мираҳмедова, Р. Шерпўлатова, Р. Кўстовадан январь ойи бўйича мусобақа пещадамлари деб топилдилар. Улар маҳсулотларини биринчи тақдимда ёқ топширмоқдалар.

Мусобақанинг бундай усули жорий этилиши ҳар бир ходимнинг маъсулиятини оширишда кўлай омил бўлмоқда. Чунки операцияда бракка йўл қўйилса, бутун потоқда иш жараёни бузилади.

Корхонада Бутуниттифоқ XIX партия конференциясини муносиб кўтиб олиш учун мусобақа кенг авж олиб кетди. Илгорлардан бир гуруҳиаси ўн иккинчи беш йилликнинг уч йиллик топшириқларини бажаришга аҳд қилган.

Д. ОБЛАЕВ.

### Тонги газеталарда

М. С. Горбачев 9 февраль кун Кремлда Баден-Вюртемберг ўлкасининг бош министри, ГФР Христиан-демократик иттифоқи партияси раисининг ўринбосари Л. Шпэт билан учрашди. Аввало СССР билан ГФРнинг жаҳон ривожига ўрни тўғрисида, Европа сўёсати ва халқаро сўёсатида улар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг роли ҳақида муфассал сўхбатлашиб олинди. Сўхбат ҳақидаги батафсил ҳисобот бугун тонги газеталарда эълон қилинган.

«Ядро қуролсиз дунё учун» сарлавҳаси остида СССР Олий Совети палаталари Ташқи ишлар комиссияларининг 9 февраль кун булган қўшма мажлиси ҳақида ҳисобот берилган.

## ЗАМОНДОШИМИЗ



## Эътироф

Обрў мисқоллаб йиғилади-ю, ботмонлаб тўкилади, дейди доно халқимиз. Бу — обрў қозониш, кўпчиликнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлиш нақадар машаққатли эканлигидан далolat беради. Шу сабабли ҳам «Ташавтоматика» заводи ностандарт жиҳозлар участкасининг бригадир Валентин Александрович Грачев тўғрисида унинг ҳамкасблари билдирган фикрлар бизни янхотда қувонтирди.

Корхона ветеранларидан бири, М. П. Татауров — соловчи:

— Яхши одам. Ҳар бир ишчининг қалбига йўл топа олади. Ҳамма уни ҳурмат қилади...

Р. Н. Мамин — слесарь:

— Жуда ҳам адолатпарвар. Софдил. Ҳар биримизга ишонади. Биз ҳам уни ишонамиз...

В. А. Богданов — пайвандчи:

— Махсус билимга эга бўлмаса ҳам, ўз вазифасини яхши билади. Ажойиб пайвандчи бўлган...

Б. И. Кутепов — слесарь:

— Меҳрибон. Оғир вазиятларда ҳаммиса ёрдам беришга тайёр...

Бир одамнинг фазилатларини эътироф этиш шунча бўлади-да.

Ўтган йилнинг кузида 35 нафар йиғувчи-слесарлар уни ўзларига етакчи этиб сайлаганликларининг бониси ҳам эҳтимол шундидир.

Ностандарт жиҳозлар участкаси корхонанинг асосий ишлаб чиқариш бўлималяридан бири. Бу ерда совутиш автоматикаси стендлари ишлаб чиқарилади. Улар 35 хил бўлиб, бир-биридан кескин фарқ қилади, кичик партиларда ишлаб чиқарилади.

Биз март ойидан коллектив пудрати усулида ишлашга ўтамиз, — дейди участка бошлиғи Хуршид Унарович Эргешов. — Бунинг учун катта тайёргарлик кўрдик. Тушунтириш ишлари олиб борилди. Бригадалар йириклаштирилди. В. А. Грачев бошлик бригада шўлардан бири. У яхши ташкилотчи. Ундан умидимиз катта.

Валентин Александрович коллектив ишончини оқлаш учун бутун куч-ғайратини сафарбар этмоқда. У бу йил Шолитехника институтининг машинасозлик факультетига кириб ўқиш ниятида.

Ўтган йилнинг тўртинчи квартални якунига кўра бригада иккинчи ўринни эгаллади. Мақсади коллективни пещадамлар сафига олиб чиқиш, — дейди у. — Яна бир ораун бутун оила аъзоларимиз: рафиқа Наталья, олтинчи синфда ўқийдиган қизим Ирина, иккинчи синфда ўқийдиган ўғлим Дима билан бирга дам оlish. Ҳозирча ҳеч Наталья билан менинг отпускам тўғри келмапти.

А. АБДУЛЛАЕВ.  
СУРАТДА: «Ташавтоматика» заводи ностандарт жиҳозлар участкасининг бригада бошлиғи В. А. Грачев. Т. Каримов фотоси.

### Буюртма асосида

«Ташкестильмаш» заводи яқинда Афғонистон Республикасида янги буюртма қабул қилди. Дўстлар дўбирига «Р-192-5» ростлаш машиналаридан 19 таси жўнатилди. Корея Халқ Демократик Республикасига эса 21 та «П-76-5М6» маркали машиналар юбориш режалари белгиланди.

Шунингдек, оролар мамлакати — Индонезия ва Бангладеш ҳам тошкентликлар тайёрлаган тўқимачилик машиналарига қизиқиш билдирмоқда.

Биринчи кварталда Индонезия буюртмаси бажарилди. У ерга 16 та машина жўнатилди.

Корхона коллективни ўн иккинчи беш йилликнинг учинчи йиллиги зарбдор йилга айлантириш ҳамда Бутуниттифоқ XIX партия конференциясини муносиб кўтиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдирмоқда. Беллашув якули ҳар декадада қўрилиб, илгорлар рағбатлантириб бориляпти.

С. МАМАЖОНОВ.

### Мулоқотга марҳамат!

15 февраль кун соат 17 дан соат 19 га қадар «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг жамоатчилик редакциясида Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раҳбарларининг шаҳар аҳолиси билан телефон орқали навбатдаги сиртқи учрашуви ўтказилди.

Телефон орқали бўладиган IV сессиясига бағишланган шаҳар Советининг бўлажак IV сессиясига бағишланган. Маълумки, Тошкент шаҳрининг 2000 йилга мўлжалланган комплекс уй-жой программасини амалга ошириш юзасидан шаҳар халқ депутатлари Советларининг вазифалари тўғрисидаги масала ана шу сессия муҳокамасига қўйилди. Шу хусусдаги тезислар «Оқшом» газеталари саҳифаларида шу йил 8 февралда эълон қилинди.

Уй-жой проблемаларини ҳал этиш масалаларини жадаллаштириш юзасидан ўз фикр-мулохазаларини билдириш, бу ишда иштирок этиш хоҳишини билдирган, ана шу проблема бўйича саволлар беришни истаган ўртоқлар шу кун 33-99-42 ва 32-53-66 телефонлари орқали кўнғироқ қилишлари мумкин.

### Кўргазмага таклиф этамиз

Бугун Ҳамид Олимжон майдонидagi москвалликлар бунёд этган комплексда халқ истеъмоли буюмларини ишлаб чиқаришга ихтисослашмаган Тошкент шаҳридаги сановат корхоналари тайёрлаган истеъмоли буюмлари тавсиясига оид. У Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ҳузуридagi халқ истеъмоли буюмлари бўйича

идоралараро координация маркази томонидан ташкил этилган. Виставкада 1200 дан зиёд экспонатлар намойишга қўйилган. Булар ҳўжаллик буюмлари, маданий товарлар, галантерее, спорт буюмларидир. Айрим экспозициялар эса 1988—1989 йилларда ишлаб чиқарилиши кўзда тутилган истеъмоли буюмлари

га бағишланган. Шунингдек, бизнинг корхоналаримиз ҳеч қандай қийинчиликсиз ишлаб чиқариши ва ўзлаштириши мумкин бўлган, лекин республикага бошқа жойлардан олиб келинаётган буюмлар ҳам намойиш этилмоқда. Айрим стендларда эса савдо талабларига жавоб бермаётган буюмлар ҳам қўйилган. Ўйлаймики, виставкага

ташриф буюрган корхоналарнинг раҳбарлари бу ерга келиб кетганларидан кейин ўз фаолиятларини чуқур ўйлаб кўрадилар ва унга баҳо берадилар. Халқ истеъмоли буюмлари турларини кенгайтириш, унинг сифатини яхшилаш, бундай маҳсулотларга нисбатан талабни ошириш юзасидан зарур чора-тадбирларни белгилайдилар.

## Ватан ўғлонлари

Совет Иттифоқи билан Афғонистон Республикаси ўртасида ўрнатилган дўстлик алоқалари йил сайини мустаҳкамлашиб бораёпти. Совет қўшинларининг чекланган қисмлари у ерда интернационал бурчини адо этмоқдалар. Кўпгина йигитлар бу дийдада ўз бурчларини адо этиб Тошкентга қайтиб келишди.

Шўлардан бири В. П. Чкалов номидagi Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг конструктори Сергей Петрович Нестеровдир. Бу йигит Афғонистондаги хизматлари учун «Жанговар хизматлари учун» медал билан таъдирланган. Ҳозирда у запасдаги ҳарбий жангчилар советининг раисидир.

Корхонада ташкил этилган бу советга 46 киши аъзо бўлиб кирган. Кеча советнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Тошкент Давлат медицина институту эски территорияси атрофида жойланган республика отиш тиранинг фаолиятини жонлантириш ҳақидаги масала муҳокама қилинди. Бундан ташқари совет аъзолари жойларда навбатда бўладиган учрашувларга ҳам ҳозирлик кўриш режаларини тузиб чиқишди.

Ҳамшаҳримиз, интернационалист жангчилардан яна бири Игорь Владимирович Ишченковдир. У Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети наشريётида ишчи бўлиб хизмат қилади. У Афғонистонда хизмат бурчини адо этди.

Кун-кеча бу собиқ жангчининг буниси Ларина Николаевна Чаплина билан сўхбатланди.

— Менинг набирам Игорь Афғонистонда интернационал бурчини адо этганидан билан фахрланаман. Бизнинг оилада у ватанпарварлик руҳида тарбияланган. Набирам ҳозирда тинч меҳнат кучоғида граждонлик бурчини ҳам бажармоқда. Аини пайтда Куйбишев районидagi ёшлар ўртасида ҳарбий-ватанпарварлик ишларини олиб бораёпти. Мен

унинг буниси сифатида набирамнинг келгусида оилалик бўлишини ва ўзимнинг эвара кўришимни орзу қиламан.

Бувилар, боболар, оналар ва дадалар набраларини ва фарзандларини ҳарбий хизматга кузатаётганда «Ой бориб омон келсин» деб яхши ният қилишди. Бундай эзгу истакка эришган оналардан бири Раъно Комилжоновадир. Унинг кўп фарзанди бор. Бу хонадон Акмал Икромов районидagi Журжоний маҳалласида истиқомат қилади. Раъно ошаниннинг ўғли Шўхрат Комилжонов ҳам қўшун мамлакатда ҳарбий интернационалист жангчилик хизматини адо этиб эсон-омон ота-онаси бағрига келди.

Шўхрат Комилжонов ҳозирда Абу Райҳон Беруний номидagi Тошкент политехника институтининг граждон-сановат қурилиш факультетини кечки бўлимида таълим оляпти ва кундуз қурилишда меҳнат қилмоқда.

меҳнат қилаётган азамат ишчилар қаторида Совет Армияси сафларида хизмат бурчини ўтаб, севишли корхонасига келган йигитлар кўпчилигини ташкил этади. Улардан айримлари Афғонистон Республикасида ҳарбий интернационал бурчини ўташган.

Корхона комсомол комитетининг секретари Фахриддин Нажмиддинов бизга фахр билан кўнғилларини гапириб берди:

— Фабрикаимиз комсомоллари Афғонистонда хизмат қилган Александр Кононов, Юнонат Қўчқоров, Тоҳир Юсуфов, Жамолддин Хусниддинов, Тоҳир Янминов, Бешим Ҳошимов сингари Ватан ўғлонлари билан фахрланамиз. Улар ҳозирги пайтда фидокорона меҳнат қилиш билан бирга ишларни тарбиялашда ажойиб ибрат кўрсатишмоқда.

А. ПУЛАТОВ.

СУРАТДА: Афғонистонда интернационал бурчини ўтаб қайтган ҳамшаҳарларимиз.



ЛОНДОН. Буюк Британия ташқи ишлар министри Дуглас Хэрд Британия ороларига яшаётган 17 нафис жиноятчисига қарши айбонлар юзасидан тергов олиб бориш учун махсус ҳўкумат комиссияси тузилганлигини парламентга эълон қилди. Уларнинг ҳаммаси СССР территориясида, энг аввало Совет Болтиқбўйи республикаларида буюк жиноятлар содир эттишган.

Бортида босиб олинган территориялардан Исроил турли вақтларда бадарга қилган бир гуруҳ фалястинликлар бўлган кема Грециянинг Пирей портидан кеча йўлга чиқди. Беш кундан сўнг у Хайфа портига кириб келиши керак. Фалястин арбобларининг ватанга қайтиши Қизил Крест жамияти ёрдамида ташкил этилди.

МАПУТУ. Жанубий Африка Республикасининг радиоси кеча эрталаб Бопутатсван республикасида давлат тўғрисидаги берганлигини хабар қилди.

Ҳокимият тепасига грандан шакслар ўринга эрмиа келган. Ушбу хабар киннодан бошқа тўғйга ўйғотмайди. Сабоби, Бопутатсваннинг «мустаклигини» ЖАРдан бошқа ҳеч ким тан олмайдди. Мамурият тепасига қўйилган кўнғироқ арбоблар Преториянинг барча буюруларини сўзсиз бажаришди, улар ҳеч қандай мустикаликка эга эмас.

БАЙРУТ. Фалястинликларнинг намойишлари билан қамраб олинган Ҳазо сектори ва Йордан дарёси Фарбий соҳили бутун территориясида комеданглик соати жорий этилган. «Ушбу чора шу жўрлевлан. Қуддуснинг турли территорияларида ҳам, осийшталик ўрнатилиши ягона самарали воситасидир», деб эълон қилган Исроил жамоат ҳавфсизлиги министри Ханм Барлев.

ЖАЗОИР. Гапон пойтахти Либревидан олинётган хабарларга қараганда, Жазонирда Чад-Ливия чегара низосини бартараф этиш учун Африка бирлиги ташкилотининг қарори билан ташкил этилган комитетнинг мажлиси бўлиб ўтган. Унда олти давлат — Гапон, Жазоир, Камерун, Нигерия, Сенегал ва Мозамбининг юқори мартабали вакиллари иштирок эттишган.

ХАНОЙ. Лаоснинг Сайнабули вилояти устида ЛХДР ҳаво территориясига бостириб кирган Таиланднинг яна бир қурувчи-бомбардимончи Ф-5 самолёти уриб туширилди, деб хабар беради КПЛ агентлиги.





Бирини ўзбек генерали Собир Раҳимов ҳақида гап кетганда отам Жўра Содиқов, у маҳаллада катта бўлганини ва болалигида...

Ҳамшаҳримиз Собиржон

тоталаш вазиғаси қўйилган. Собир Раҳимов тўғридан тўғри ҳужум қилinsa, кўп қўрбон бўлишини ўйлаб душманга сездирмай орқа томондан қўқисдан зарба тайёрлайди...

Ҳимов 1942 йил 4 сентябрда 18-армия таркибидан 395-ўқчи дивизиянинг қўмондонлигига тайинланди. Шундан сўнг у кетма-кет жангларда жасорат кўрсатди...

ден билан мукофотланди. Сизга уни шахсан топириш имкониятига эга бўлмаганлигини сабабли, шу мактуб билан бирга юбораялман. Сизни юксак мукофот билан кутайман ва жанговар фаолиятида муваффақиятлар тилайман...

Қўлёзмалар саҳифаларини варақлаганда

Фафур Ғуллом номли Фарғона область адабиёт музейи бирданига иккита қимматбаҳо асар — шарҳ шоирларининг қўлёзма баёзлари билан бойиди...

Биринчи тўплам 152 саҳифадан иборат бўлиб, унда 50 муаллифнинг шетлари ойнаштирилган. Булар орада XVIII аср урталари ва XIX аср охирида яшаб ижод этган Қомилий, Тамкин, Боқийхон, Ирфон, Ғозий, Муштарий сингари шоирларнинг илгари бизга маълум бўлмаган ғазаллари бор...

Иккинчи қўлёзма 130 саҳифадан иборат бўлиб, унга ҳам Қўшон адабий муҳитининг намояндалари: Хожибойиш молиддин, Муҳий, Рожи ноғи, Қўриқлиев, Зарриннинг илгари номаълум бўлган асарлари киритилган...

Мутахассислар ҳар икки баёни синчиқлаб ўрганиб чиқишга, улар музейда намойиш этилади.

В. ТАТАРИНОВ.

Китоб бизнинг ҳаётимизда

Китоб инсон ҳаётида қандай ўрин эгаллайди? Одамлар қандай китобларни, айниқса, севиб ўқийдилар. Сўз усталари қандай янги асарлар устида иш олиб бормоқдалар? Ана шу ва шунга ўхшаш бошқа саволларга Тошкентда очилган «Китоб бизнинг ҳаётимизда» клуби машғулотларида жавоб олиш мумкин...

Клубда ёзувчилар ва шоирлар, санъат усталари, мамлакатимизда ва Ўзбекистонда яшаб, ижод этаятган атоқли маданият арбоблари билан учрашувлар ўтказиш кўзда тутилган. Клуб қошида тузилган «Ҳаёт янгиликлари — адабиёт янгиликлари», «Китобдан-экранга», «Театр ва китоб», «Давр ҳақида, касб ҳақида, ўзим ҳақимда» сингари лекторийларда ана шу ижодкорлар билан суҳбатлар ўтказилади...

РСФСР халқ артисти Галина Яцкина клубнинг дастлабки меҳмони бўлди. Уни томошабинлар «Аёллар», «Нима қилмоқ керак?», «Одамлар ва дельфинлар», «Француз тили дарси» сингари фильмлар орқали танийдилар. Г. Яцкина совет актрисалари орасида бирдан бир санъатшунослик кандидати. Галина Ивановнанинг айтишича, у ўзининг ижодий муваффақиятларига кўп жиҳатдан янги китоблар билан ошно бўлганини туйғайди эришган...

Набатдаги учрашува театр ва кинонинг таниқли актери Александр Ширвиндт тақлиф этилган.

Мукофот

Юсуф қизил билан Охун қизил Комсомол кўлида айлиниб юришган экан. Бир ерга келганда Охун қизил деворга қараб тўхтаб қолди.

— Ҳа, Охун, юр! — дебди Юсуфнинг қизил. — Э-э, бу ёнча келинг, уста, — дебди Охун қизил деворгаги ёзувга ишора қилиб. — Ма на пул топадинг жой! Эшитинг: «Кимки чўкиб тетаётган одамни кутариб юлса 50 сўм мунофот». Зур экан-а!

Бир иш қилсам, Мен ўзимни сувга ташлайманда, «од» деб бақираман. Сиз эса кутариб оласиз. Кейин 50 сўмни бўлиб оламиз. Бир нунда 10 марта чўнаман.

Юсуфнинг қизил «рози бўлибди. Охун қизил бир чўкур жойга ўзини ташлабди. Шунгиб чиқиб: — Ҳа, уста, ечиниб ташламайсанми? Чўкиб кетилманми! — деб бақирди.

— Чўкивер, чўкивер, — дебди Юсуф қизил. — Тагини ўқима. Ҳа экансан, чўнаман ўлимни олиб чиққан одамга юз сўм мунофот экан...

София ҲАБИБУЛЛИНА тўплаган.

Ҳикматли гаплар

Кўнгил дафтари

- Кўнгил қўли етмаган даргоҳ бахт бермайди. Мухаббатсиз одам одамга дўст бўлмайди. Бир бор-у, бири йўқ, ҳаммаси бору ўзи йўқ. Ҳаммаси бўлганда ҳафсаласи йўқ. Тўғри сўзини тўғриго бор. Адашиб юрган одамдан йўл сўрама. Қарздор бўлма, қарз олсанг ҳам вақтида уз. Эмон сўздан доим тилни тийган ёмонлик кўрмайди.

Қанот УМАРХУҲАЕВ, пенсиякер.



Инсон одоби ази

Илм масканларида

Ёш авлод тарбиясига бағишлаб

Ақмел Икромов районидagi 197-ўрта мактабининг она тили ва адабиёти ўқитувчиси Назира Ғулмонова ташаббуси билан «Фарзандимиз ўқини, ҳуқуқи, одоби ва келажоғи» мавзусида ота-оналаримизнинг даврида ота-оналаримизнинг мазо ва ҳақиқати бўлиб ўтди. Йилгида қатнашган барча ота-оналарнинг диққат-этибори балоғат ёшидаги ўғил ва қиз болаларнинг тарбиясига қаратилди. Ота-оналар комитетининг аъзоларидан шоир Ҳайдар Мухам...

мад, Комил Муллажонов ва бошқа ўртоқларнинг фикр-мулоҳазалари яхши таассурот қолдириди. Ота-оналарнинг ҳурмат-этибори, обрўйи, — дейди моҳир ўқитувчи Назира Ғулмонова, — бутун тарбия замиридаги энг муҳим ҳалқалардан биридир. Улар фарзандларимизга ҳар томонлама намуна, ибрат бўлишлари керак. Шундай ота-оналаримиз ҳам болаларимиз, оилаб эмас, ҳатто йиллаб...

ўз болаларининг мактабларига бориб, уларнинг ўқишидан, ҳатти-харақатидан, ҳуқуқидан хабар олайдилар. Сир эмаски, ота-оналаримизнинг мактаблар билан яқиндан мулоқатда бўлишлари болаларимизнинг тарбиясига алоҳида муҳим аҳамият касб этади.

Суннат РИЗАЕВ, филология фанлари кандидати.

Фан ва техника янгиликлари

Иссиқ иқлимли мамлакатлар учун

ХОЛОДИЛЬНИК

Франциянинг «Бриссонье ет лотэ марин» фирмаси инженерлари техникавий хизмат кўрсатишининг маълум қийинчиликлари билан боғлиқ тропик мамлакатлар учун мўлжалланган янги холодилик яратди...

25 литр метанол ва активлаштирилган күмирнинг микрозарраларидан ташкил топган куш нури билан ёритиладиган панел мазкур холодиликнинг асосини ташкил этади. Активлаштирилган күмирнинг қора зарралари қуёш нурларининг иссиқлик энергиясини ўзига самарали сингдиридади ва метанолнинг буғунишига олиб келади. Бунинг натижасида буғуниш вақтида иссиқликнинг сингдирилишига асосланган совутиш жараёни амалга оширилади. Тунги салқин ҳаво метанол буғуларининг конденсациялашуви ва унинг активлаштирилган күмир зарралари ёрдамида қайта тикланишига олиб келади.

Ўта мустаҳкам пўлат

Ҳиндистоннинг «Мидхани» фирмаси самолёт шассиларини, ракетагабарини ташки қобилиятини, урнини бойитиш учун мўлжалланган газ центрифугаларини тайёрлаш учун ниҳоятда мустаҳкам пўлат ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Бу пўлат одатдаги пўлат билан бирга беш марта мустаҳкам — унинг ҳар квадрат дойми 200 тонна оғирликка бердош бера олади.

Япасқи батареялар

Ҳозирги куб ёки цилиндр шаклидаги батареялар электрон аппаратларда, айниқса ихчам аппаратларда жуда кўп қарийб ҳажмининг 20-30 процентига эгаллашнинг ҳисобга олиб Япониянинг «Мацусита» фирмаси япасқи батареялар яратиш устида ишламоқда.

Мазкур батареялар учун органик қоршимадаги долимер аралашма ва қаттиқ кукун, симон электротолдан таркиб топувчи махсус электротол яратишмода. Мазкур сувоқлик асосга суртилади ва курилади. Натжида электротолнинг қалинлиги бир неча микрометрдан тортиб 2,3 миллиметргача ташкил этади. Ана шундай электротолли батареялардан қувват кетиб қолмайди, улар ҳавосиз бўшлиқда, 60 даража совуқдан 100 даража иссиқкача шароитда ҳам ишлаб туради.

Фирма қалинлиги 0,1 миллиметрдан ошмайдиган япасқи батареяларни яратиш ниҳатида, Улар биринчи навбда яқин тартибда фойдаланиладиган микро-процессорли автоматлаштирилган картонкаларда фойдаланилади.

Фин олимнинг кашфиёти

Фин олими Лейф Кронберг хлор қўшилган сувада икки мутаген бирикмени топди ва унинг кимёвий таркибини аниқлади. Ушбу мутаген моддалар тиррик ҳужайранинг генетик материал билан алоқага кириб, ҳужайраларнинг назоратсиз парчаланшига ва хавфли ишлаш пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Табиғатда оддий сувада (масалан дарё ва ер ости сувларида) бундай моддалар йўқ бўлиб, улар хлор қўшилган сувадагина пайдо бўлиб экан. Уларнинг кимёвий таркибини ўрганиш канцероген ҳусуятларини аниқлаш имконини беради.

Оила шодиёнаси

Октябрь район хотин-қизлар совети ташаббуси билан «Ёш гвардия» театрида ўтказилган Қаримов она Ибодат Каримова кўлаш нечаси йилгиланлар қалбида катта ифтихор туйғуси уйғотди. Камтарин ўзбек аёли, ичи ва меҳрибон она шу кўни барча фарзандлари, неваралари билан залини тўлдирди ўттири. 14 ўғил-қизини воёга етказган Ибодат Каримова ва унинг умр йўлдоши Абдулла Каримовлар хонадонини «Илгор» маҳалласида катта ҳурмат қозонган.

Район хотин-қизлар совети раиси Раёно Отажонова бу оила мисолида тинч-тоғув, аҳил яшаётган ишчи, инженер, шоёр, ҳам...

шира ва бошқа қўлаб касбларда меҳнат қилаётган оила аъзолари барчага намуна бўлаётганини таъкидлади. Шу кўни анжумани театр актёрлари Эркин Комиллов ва Дилором Каримовлар олиб бордилар. Учрашув сўнгида Каримовлар оиласи шодиёнасига бағишлаб «Келинлар кўзголини» спектакли намойиш қилинди. Театр қошида бундай учрашувларни аънавий ўтказиш йўлга қўйилмоқда.

Маъмур НАЗАРОВ, СУРАТДА: Каримовлар оиласи. Автор фотоси.



Юрак амри билан битилган бу хатни ҳаяжонсиз ўқиб бўлмайди. У шундай бошланади: «Ҳурматли «Оқшом» редакцияси! Умринида газетача биринчи бор мактуб ёзишим. Кейин даров оиламиз сирини ошкор қилаётганим учун айбга буюрманглар. Бошқа бирон илжог топа олмадим.

Бу воқега салқиз йил бўлди. Ўшанда ўн ёшда эдим. Дадам Москвада, қандайдир оқим иккаламиз уйда эдик. Қўшнимиз Каримнинг (у мендан икки ёш катта) отаси Салим амаки миллияни формасида кириб келди. Улардан кўлама ҳақ аниқди. Негадир ўшанда менга жуда ҳуқуқ ва бешафқат кўринди. Бетаклиф столга келиб ўтириди ва менга қараб: «Бор, сен дарсининг тайёрлайвер, ойнада гапим бор», деди. Пальто билан теплагини ечиб, диванга киргиди. Ойим тик турганча ҳайрон бўлиб сўради:

— Ибодат онамлар тинчим? — Қиз туғди, — деди Салим амаки совуқ қилиб. — Умри билан берган бўлсан, соғ-саломат кутилиб олиблар. Ҳозир енгилроқ бир нарса пишириб, бориб келаман. Қайси палатада ётиблар? — Э, қўйинг, овера бўлмаг. Ундан кўра... — менинг эшик олдида турганимни кўриб: «Хани ҳам шу ердасанми?» деди ва ўриндан туриб олди раёонини баланд қилиб қўйди. Кейин мени туртиб-туртиб хонамга киритди-да, устимдан кўлаб қўйди. — Негат ундай қилайсиз? Бу қилинган нимадир? Ҳой одамлар, ёрдам беринг... Музика садосида ойимнинг бақирган овозларини бир неча бор эшитдим. Нима қилишини билмасдим. Анча вақт ўтди. Ғала-ғовур тинди. Қўриқиб кетдим ва «ойи» деб бақира бошладим. Ойим бир нималар дер, гапларини тушунмасдим. Эшикни очдилар. Мен бағриларига отилдим. Ойимнинг ҳаммаёқлари тилинган, қон. Кўзлари нурсиз эди. — Замона зўрники экан. Болажоним,

мени кечир. Даданг ҳам кечирсин. Мендан рози бўлинглар. Энди ёт, болам, — дедилар. Еттишимни кутиб турдилар, эгашиб юзидан ундиларда, «Бахтли бўл, болам!» деб чиқиб кетдилар. Болалигим ёки соддаликим билмадим, балки тентақлигим, ҳатто орқаларидан чиқиб хабар ҳам олмабман...

Ойимни бошқа кўрмадим. Ен қўшнимиз Манзура холянинг айтишларига қараганда,

ХАСРАТ (Китоблар пайрови)

Кечки пайт. Боқи ота билан Соқи ота чойхонада мириқиб чой ичишмоқда. Шу пайт уларнинг рўпарасидаги кўчадан йигит ва қиз қўл ушлашиб ўтиб қолади.

БОҚИ ОТА: Қара ошна, худди Эрам боғида юришгандай. «Фарход ва Ширин»дан ўйланган-да «Лейли ва Мажнун»ларимизни айтиб берсан ишондирашмайди.

СОҚИ ОТА: Майли, дўстим, ўйнаб-қулишин. Ахир, «Қанот жуфт бўлади», дейишди. Сегити, садақатда, ҳаётда бир-биринга «Меҳрибон» бўлишин.

БОҚИ ОТА: Ахир, «Эркимиз» ўзимизда, деб кўча-кўйда қўллашиб юришгани айб эмасми?

СОҚИ ОТА: Шун айтинг-а. Бизнинг ўшанимизда қизларга гапириб «Даҳшат» эди.

БОҚИ ОТА: Ҳа, «Утган кунларимиз» учун бойлардан «Касос» олдик.

СОҚИ ОТА: Бу томони яхши-ю, лекин айрим ёшларимиз «Мухаббат»нинг қадрига етишмайпти. Биз «Кўрган-кечирганларимиз»ни айтиб берсан ишондирашмайди.

БОҚИ ОТА: Ҳа, ошна «Нур борки, соя бор», деганларидек кейинчилик тушуни олишади.

СОҚИ ОТА: Вақт ҳам алла маҳал бўлиб қолди шекилли, тагин «Фаргона тонг отгунча» ўтириб қолмайлик.

БОҚИ ОТА: Кетдик бўлмас, яна кампирларимиз ҳам кўчага чиқиб, мен ёримни «Ислам» деб юришган бўлмасин.

БОҚИ ОТА: Ҳа, «Утган кунларимиз» учун бойлардан «Касос» олдик.

БОҚИ ОТА: Бу томони яхши-ю, лекин айрим ёшларимиз «Мухаббат»нинг қадрига етишмайпти. Биз «Кўрган-кечирганларимиз»ни айтиб берсан ишондирашмайди.

БОҚИ ОТА: Ҳа, ошна «Нур борки, соя бор», деганларидек кейинчилик тушуни олишади.

СОҚИ ОТА: Вақт ҳам алла маҳал бўлиб қолди шекилли, тагин «Фаргона тонг отгунча» ўтириб қолмайлик.

БОҚИ ОТА: Кетдик бўлмас, яна кампирларимиз ҳам кўчага чиқиб, мен ёримни «Ислам» деб юришган бўлмасин.

БОҚИ ОТА: Шун айтинг-а. Бизнинг ўшанимизда қизларга гапириб «Даҳшат» эди.

БОҚИ ОТА: Ҳа, «Утган кунларимиз» учун бойлардан «Касос» олдик.

Иzzатулла НОРҚУВВАТОВ.

Болалар сўзлаганда

— Ойим мени ухлатаман деб, ўзлари ухлаб қолдилар-а! \* \* \* Жаҳон Райхон бирдан йнглаб қолди: — Вой-дод, арра қақди! \* \* \* Бёҳзод ойисига хархаша қила бошлади: — Укамнинг отини нега Райхон қўйганимиз-а, ёмон от-ку, Губеор чиройли. Гулбеор қўйяйлик!

Ота ўғлининг кўчага чиқиб ҳовлида безовта юришини кўриб сўради: — Ҳа, ўғлим нима гап? — Кўчада отингиз йўқ-ку, минмоқчи эдим. — Қанақа от! — Ҳозир ўзингиз уч кунлик сафарга отланаман дедингиз-ку, қани отингиз?..

Анвар МИРЗАЕВ.

Сиз бунга нима дейсиз?

Онанинг сўнги тилаги ёки шикаста дил ноласи

Энди бўлса, ўша одамнинг ўғлидан совчи келаяпти. Була дадам билан заводда бирга ишлайдим. Энг қизинг, шу бола отаси қамалмасдан бир йил олди уйдан чиқиб кетган эди. Қўниқўшларни ўшанда сабабини билишмаганди. Ҳозир тушунишди. Еттоқхонада туриб ишлади ва ўқиди. Ҳозир институтнинг учинчи курсида сиртдан ўқийди. Отаси қамалгач, ойисининг олдида кўчиб келди. Маҳалла-қўйда уни ҳамма яхши танийдилар. Катталарга саломини аниқ қилмайдилар. Меҳнатқач, одобли. Дадамларга ҳам у маъқул. Аммо... Хатинг шу ерни ўқитганда қўшларимга ёт келди. Нима ҳаёт бағида бунчалар шайқатсиз? Бир ух тортиб хатни ўқишда даров қилдим. «Ойим билан бўлган воқеани дадамга айта олмасам...

Бола-да

Қашча бузоқ сўради Онасидан ёлвориб: — Анюв қиринг ортига Утлаб келай бир бориб. — Ҳай-ҳай, — дер қўзи бола, — Эсиндан чикар баттол. Ҳали кичик бузоқсан У ерда бўрилар бор. — Кичиксанан дейсиз-а, Эх, ҳали ҳам ойим сиз. Шўхлик қилсан нимага «Ҳўкисан» деб койийсиз!

Ондамиз бахтига чап солган одамнинг боласи бахтли бахтли бўлармидим. Бу воқеа дунёда фақат менгагина маълум. Айбга буюрманг. Қабристонга бордим. Онам қабри устида йнглаб-йнглаб ҳамма гапни уларга айтдим. Қўлогим остида «Бахтли бўл бўл» деган сўзларни эшитилмаверди. Уйга келгач дадамлар гап бошладилар: «Она қизини, онанг бўлмасе сендан сўрайдиган. Қўниқўшин қинаб юборди. Қўнглингданги уялмасдан айтавер. Нима десанг, мен рози бўлам, 10-синфин битирдинг, мана ишта ҳам кирдинг...»

Йнглаб юбордим, дадамлар ҳам ўшқаларини тугулмадилар. Кейин бир сўз демай хонадан чиқиб кетдилар. Дадам бечорая жуда қийин. Тўғриси, бир ўзларини ташлаб, турмушга чиқиб кетгим йўқ. Лекин қиз болани ушлаб ўтирма, деб ўргатувчилар қана. Балки улар қақдир. Лекин муҳмини бир фикрга келолмайман. Мен бахтли, бўлишим, дадамларга қариган чозлариде суняқ бўлишим, уларнинг бува бўлиб, бахтимизга соғ-саломат юришларини жуда-жуда истайдим. Карим ҳам уларни жуда ҳурмат қилди. Онаси ҳам. Ойим ўлган кундан бир кун олди турган Сапура ҳам (у иккинчи синфда ҳозир) онамизни яхши кўради. Лекин... кўз олдимдан унинг отаси ва меҳрибон наам... ҳеч кетмайди...

Ердан беринглар, нима қилай?» Хатини ўқитганимда сатрлар орасидан қўшларидан шаққор ёш оқабган қиз менга термулиб тургандек бўлди. У ҳаёт бўсағида шундай муаммага дуч келдикки, уни қандай ҳал қилишини билмай қолди. Унга ёрдам лозим, унга тўғри йўл кўрсатиш лозим. У бахтли бўлиши керак. Тўғри йўл қайси? Қиз қалбига азоб бераётган воқеалар гирдобидан уни қандай қилиб тортиб олиш керак?

Азиз оқшомхон! Сиз билан фикрлашш, ҳар сафаргидек бор гални ҳужжимизга ҳавола этишга қарор қилдик. Қўнгли аросатда қолган қиз маслаҳатингизга муҳтож. Т. МУҲИДДИНОВ.

# Студентлар ижросида

Тошкент Давлат маданият институтининг оммавий байрамлар режиссураси бўлими битирувчи курс студентлари учун ўша кун ҳақиқий байрамга айланади. Битирувчи курс «Дебют ёки беш йилдан сўнг» оммавий байрам программасини ўз ичига олади ва тажрибали сарҳисоби сифатида устозлар қўли кўриб студентлари ҳузурда намоиш этдилар.

Программа ўзбек халқ ўйинлари — дорбозлик, кураш, сеҳргарлик, рақс; тасвирий қўшиқ, драматик лавҳа, ҳажвий шеър, қочирим, аския, латифа, этюд ва яна бир қатор оммавий санъат турларидан иборат бўлди. Тошкентликларда айниқса, «Гулзорда» этюди, «Ғайра ғайра», «Қаргалар» тасвирий қўшиқлари, «Тўйдан чиққан хотинлар», «Овсарлар», «Тенгиз», «Дала директори», «Киносема» каби интермедиялар катта таассурот қолдирди.



«Дебют ёки беш йилдан сўнг» оммавий байрам программасини тайёрлашда курс раҳбари, педагогика фанлари кандидати Б. Сайфуллаев,

студентлардан Ш. Алишева, А. Асалхўжаев, У. Азизов, Н. Бойметова, А. Эгамбердиев, М. Саидов, Н. Ражабов

ва бошқаларнинг ҳиссаси катта бўлди. **Добар ҚАЮМОВА, СУРАТДА:** оммавий байрам программасидан лавҳа.

# ОРОЛ ДЕНГИЗИНИ КЎТҚАРИШ ФОНДИГА

Анджонангил саноат политехникумида ўтказилган мунозара Орал текадирга бағишланди. Бу мунозарани комсомол комитети активлари уюштирдилар. Улар бу нобд денгизнинг тарихи ҳақида, уни кўтқариш учун республикада олиб борилаётган чоралар тўғрисида йиғилганларга сўзлаб бердилар.

Мунозара қатнашчилари ёшлар Орал денгизини ҳимоя қилишга, Амударё ва Сирдарё ҳавзаси жуда катта майдондаги экологик мухитни соғломлаштиришга фаол кўмаклашишга интилейтганини айтидилар.

Йиғинг ва қизлар техникумининг барча ўқувчиларини ана шу кескин муаммони ҳал этишда фаол қатнашишга таклиф қилдилар. Учрашув қатнашчилари ўзбекистонда таъсис этилган оролни кўтқариш фондига дастлабки пул бадалларини тўлдирдилар. Бу маблағлар 000700778 сўмга ўтказилди.

# Карим Расулеви РАСУЛЕВ



1940 йилдан КПСС аъзоси, республика аҳамиятидаги шахсий пенсонер, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи Карим Расулеви Расулев 76 ёшида ҳаётдан кўз юмди. К. Р. Расулевнинг номи республикамиздагина эмас, унинг ташқирисида ҳам маълум.

Педагогик фаолиятини у 1946 йилда, Фаргона педагогика институтини тугатганидан сўнг, Тошкент шаҳрининг Октябрь районидagi 14-мактабда бошлаган эди. У 1949—1953 йилларда Октябрь район халқ маорифи бўлимининг муdiri бўлиб ишлади. 1955 йилдан бошлаб эса Собир Раҳимов районидagi Педагогика институтининг директор бўлиб ишлади. 1960 йилдан умрининг охиригача кўнралини қалдар у ана шу мактабда биология фанидан дарс берди.

К. Р. Расулев кўп йиллик педагогик фаолияти мобай

нида бир неча авлод болаларига билим берди. Уларни жонанон ўлкамизга меҳрмуҳаббат, она-табиатини асраб-авайлашга ўргатди. Карим Расулев ўқувчиларни совет ватанпарварлиги, социалистик интернационализм, СССР халқларининг бошқа мамлакатлар халқлари, айниқса дўст халқи билан қардошларча дўстлиги руҳида тарбиялади.

Партия ва ҳукуматимиз К. Р. Расулевнинг фидокорона меҳнатини юксак тақдирлади. У Ленин ордени, шавкатли меҳнат учун медаллар, республика Министрлар Совети, Маориф министрлиги, халқ маорифи Бош бошқармаси фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган эди. У ўқитувчилар I, II, III қадағи республика сьездларига, ўқитувчиларнинг II Бутуниттифоқ сьезидига делегат қилиб, Октябрь район Советига депутат этиб сайланган.

Унинг бутун куч-қайрати, қалб қўри ва педагогик

истеъдодини шогирдлари ри ва издошларига бағишлаган «ан Карим Расулеви»нинг ёр ёрқин хотираси қалбимизда абадий сақланади.

Бир гуруҳа ўртоқларлари.

Редактор Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.

# Сўраган ЭДИНГИЗ...

# Шифо соқийси

Ҳурматли редакция! Менга таъмирланган зайтун ҳада этишди. Илтимос, зайтун ҳақида маълумотлар берсангиз.

Л. Табибов, меҳнат ветерани.

Зайтун умрбоқий ўсимлик бўлибгина қолмасдан, унинг мевалари шифобахшлиги билан ҳам азаланди. Кўҳна замон табиирати амалиётида зайтун бир қатор хасталикларнинг давоси сифатида қайд қилинади.

Манбаларга қараганда, Гомер давридаги зайтун бутун Юнонистонда нег қилади. Усти рилик, унинг шифобахш эҳсонларидан баҳраманд бўла бошлаган. Унинг серкирра хосиятларини инобатга олган ҳолда, ҳатто ўша замон олим пил ўйинларининг мумтозлари зайтунли чамбарлар билан муборабод этилганлар.

Зайтун — зайтундошлар он. Ласига мансуб доимий яшил даракт бўлиб, бўйи 3—7 метр, барглари майда ва учли, текис киррали, усти томони тўқ яшил, пасти томони кулранг. Гуллари нафис нуқраанг, рўваксимон шингил тўғулга йиғилган. Меваси данакли, усти юмшоқ бўлиб, оғирлиги 10—15 грамм атрофида бўлади.

Зайтун Иттифоқимизнинг Озарбайжон, Туркманстон, Грузия республикалари, Жанубий Крим, Краснодар ўлисида ўстирилади.

Зайтуннинг шифобахшлиги ҳақида Абу Али ибн Сино «Тиб конунлари» китобининг инкинчи томи (236-кўрсаткич мақоласи) да шундай дейилган: «...Ево. йи зайтун шираси қуритилиб кулча қилинади ва қулоқ оқмасини даволашда ишлатилади... Чаён солиб қўйилган зайтун ёғи қулоқ оғриғига томи, энлидаган дориларнинг энг қимматлисидир... Елимни кўзга тушган оқ ва мугуз қатламининг дағалланишига қарши ишлатилади».

Зайтун мойи билан қилина. диган ташқи муолажаларда йўнмч нервларнинг аллигланлишига, инкрий ва истисқо. га энгиллик беради. Зайтун гази ўти билан қайнатиб истеъмол қилинса, ичакнинг бураб оғриғи тўхтайд, гижжалардан халос бўлинади.

Зайтун меваларидан уч тоқчадаги мойлар олинади. Зайтун мойининг энг аъло нави мева қўйиғига этиб пиш. гандан сўнг, уларни энгил пресслаш йўли билан олинар. У дунё бозорига энг сар. ди, ўсимлик мойларидан ҳи. собланади. Зайтун мойининг ана шу нави медицина амалиё. тида жуда қадрланади. Инкин. чи нави эса одатда дағал пресс. лаш йўли билан олинад.

Зайтун мойларида гликозидлар, оксил, витаминлар ва бош. қа фойдали моддалар бўлади. Зайтун мойи таркибига мав. жуд бўлувчи олеин, пальмин. тин, стеварин, лимол, аражин ва бошқа кислоталарнинг гли. цинларини бўлганлиги тўғай. ли, уни рангли ва ингичка бўғимли ишлаш идишларда, оғзи тикин билан энг ёпилган ҳолда, салқин мойларда сақ. лаш лозим. Аси ҳолда мой ўзининг шифобахш хусусиятла. рини йўқотиб қўйиши мумкин.

Кейинги пайларда зайтун. нинг бир қатор янги навлари яратилган бўлиб, улар Вата. нимизнинг бир қанча районла. рига ўстирилямоқда. Жумладан, Озарбайжон зайтуни, Боку зай. туни, Отур, Революция — 25, Крим — 172, Никитин навлари шуларга мисол бўла олади. Улар ўзининг тевизишарлиги ҳамда соғувча қудамлиги бил. лан амалиётида қўйилади.

Дано ХУНАЕВА, дорихўнос.

# ТОШКЕНТ САЁХАТ «ТУРИСТ» ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЮРОСИ

ОТПУСКАНГИЗНИ Архангельск шаҳридаги «Шимолей Двина» туристик базасида ўтказишни таклиф этади.

АРХАНГЕЛЬСК — Шимолнинг ном қозонган туризм марказидир. Шаҳарнинг ўзига хос манзараси нийҳонда бой музейлари, бадий ва тарихий ёдгорликлари, шимолликларнинг самимияти ва меҳмоннавозлиги туристларни ўзига ром этади.

АРХАНГЕЛЬСК — ажойиботларга бой шаҳар. Бу ерда сиз азалий ва янги ёдгорликларни ёнма-ён учуратасиз. Ямғирли ўрмон массивлари ва совуқ Арктика денгизларининг чегараси шу ердан ўтади.

Шимоллий тайга, қалин қор босган дарёлар, қўллар бўйлаб қиша чангилларда сайр қилиш, тунарни ёғоч уйларда ўтказиш унутилмас таассурот қолдирди.

Маршрут Кичик Кореладаги «Шимоллий Двина» туристик базасидан бошланади. Кичик Кореда Архангельскдан 24 километр олдига жойлашган кичкинагина қишлоқнинг номи. Бу шаҳар атрофидаги энг ҳўшманзара жой. Коре. ла дарёси келиб қўйиладиган Шимоллий Двинанинг тик ўнг соҳили бўйлаб сувлоқ ўтлоқлар, баланд-паст тепаликлар ва воҳалар, ўрмон ва бутазорлар ястанган.

Туристлар уч кун мобайнида чанги сайрига ҳозирлик қўришади, чангилларда машқ учинишларга чиқишади. Архангельск шаҳрида экскурсияда бўлишади. Архангельскда ёғоч музей-қўриқхонаси меъморичилиги — очик ер — осмон гўмбаси остида жойлашган Совет Иттифоқидаги энг йирик музейларнинг биридир. Унинг бошқа шунга ўх. шаш музейлардан фарқи ёдгорликлар атрофидаги табиий мухит оғушида ҳайратланарли даражада муқобил жой. лашган.

Туристлар Кичик Кореладаги ёғоч меъморичилиги му. зейини ҳам бориб кўрадилар. Меъморилик ҳўзиёида Шимол деҳқонлари ҳўжалик ҳаёти ва турмушининг турли жиҳатлари кенг намоиш қилинган. Қиш пайтлари музей. йўлкаларда қўнғирқоқлар билан байрамона безатилган от қўшилган чаналар пайдо бўлади.

«ШИМОЛИЙ ДВИНА» туристик базаси учун ҳам жуда мос ер танланган. У дарёнинг шундоққина соҳилида, ёғоч меъморичилиги музейи билан ёнма-ён жойлашган. Турист. лар ҳамма қўлайликлар муҳайё бўлган 2-3 кишилик хона. ларда яшаши, туристик база қошидаги ошхонада овқат. ланишади.

ЖўНАВ КЕТИШ ВАҚТИ — 22 ФЕВРАЛЬ, 7 МАРТ. ДА.

Барча масалалар юзасидан қўйидаги адресга муро. жаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Намоийшлар хўбони, 5-уй.

# ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

# ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ҲАМЗА РАЙОНИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА созловчи-слесарлар, электриклар, жойловчи-ўроччилар. ни.

ЎЗБЕКИСТОН ССР 50 ЙИЛЛИГИ НОМИ ТОШКЕНТ ЛАК-БЎҒЎ ЗАВОДИГА

аппаратчилар, қувоччилар, ремонтчи слесарлар (кон. троль-ўлчов асбоблари бўйича), электр монтажчилари.

СЕРГЕЛИ РАЙОНИ ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИГА дурадгорлар, ғишт терувчилар, пайвандчи-монтажчилар, бўёқчилари.

Елғиз кишиларга ётоқхонадан жой берилади.

ФРУНЗЕ РАЙОНИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

токалар, фрезерчилар, силқидовчилар, қолпиловчи. лар, слесарлар, сонди программа билан бошқариладиган станокларнинг операторлари, техника назорати бўлими. нинг контролёрлари, юқориди санаб ўтилган барча икти. сосликлар бўйича шогирдлар, электрончи инженерлар, программистлар, мастерлар.


СПРАВКАЛАР ВА ИШГА ЙЎЛЛАНМАЛАР ОЛИШ ЮЗАСИДАН ҚЎЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

Марказий пункт — Пролетар кўчаси, 4-уй; Ленин район пункти — Т. Шевченко кўчаси, 64-уй; Октябрь район пункти — У. Юсулов кўчаси, 3-уй; Чилонзор район пункти — 2-қаврат, 8-уй; Фрунзе район пункти — Ш. Руставели кўчаси, 87-уй; Ҳамза район пункти — Хасанова кўчаси, 10-уй; Куйбисhev район пункти — К. Маркс кўчаси, 69-уй; Киров район пункти — Энгельс кўчаси, 48-уй; Собир Раҳимов район пункти — Қорасарой кўчаси, 270-уй; Акмад Икромов район пункти — Фарҳод кўчаси, 21-уй; Сергели район пункти — Спутник, 2-қаврат, 69-уй.

# «КОСМОС» ЙЎЛЛАНМА БЕРАДИ

«ТАШКУЛЬТОР» НИНГ «КОСМОС» МАКТАБ-МА. ГАЗИНИ 8 ва 10-синф МАЪЛУМОТИГА ЭГА БЎЛГАН 16-25 ЁШДАГИ ҚИЗЛАРИ ҲАҚИДА ҚОҲЛАЙДИ. ҲАҚИДА ҚИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИ. ЛИНАДИ.

Ҳар ойда 63 сўмгача стипендия берилади.




# «Экспресс» хизматингизга тайёр!

Енгил автомобилни беминаат дастёр деб бежиз айтиш. майди. У ўзганини яқин, оғринганини енгил қилади. Унда ичма юкларни ташин, саёхатга чиқин мумкин. Тўй маросимлари эса енгил автомобилсиз ўтмайди.

СИЗЛАРГА «ЭКСПРЕСС» АВТОКООПЕРАТИВИ ХИЗМАТИДАН Фойдаланишни ТАВСИЯ ЭТАМИЗ!

«Экспресс» амблемали енгил автомобиллар бир йил мобайнида 800 минг йўловчининг манзилини яқин қилди, кооператив 1 миллион 200 минг сўмлик транспорт хизма. ти кўрсатди.




# КООПЕРАТИВ ПРАВЛЕНИЕСИ ДАСТАВКИ ХУ. ЖАЛИК ИЙЛИГА ЯҚУН ЯСАР ЭҒАН. АҲОЛИГА ХИЗМАТ КўРСАТИШНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ МАҚ. САДИДА ҚЎЙИДАГИ САВОЛЛАРГА ЖАВОБ ЙЎЛЛАШНИНГИ СУРАЙДИ:

«Экспресс» хизматидан ҳеч фойдаландингизми? Сизга қандай хизмат кўрсатишди? Автокооператив яна қандай хизмат турлари кўрсатиши. ни истар эдингиз? Жавобингизни 20 февралга қадар қўйидаги адресга йў. лашчиғизни сураймиз: 700090, Тошкент шаҳри, Б. Хмель. ницкий кўчаси, 46/1 уй. Телефон 56-87-12.

«ЭКСПРЕСС» АВТОКООПЕРАТИВИ.

# «Слава» соатларининг шўхрати

ЭРҚАКЛАРНИНГ КВАРЦЛИ «СЛАВА» МАРКАЛИ СОАТЛАРИ БИРИНЧИ КЛАСС АНИҚЛИГИГА ЭГА, ҚИРОЛИ, УЗОҚ ВАҚТ ХИЗМАТ ҚИЛАДИ.



Улар ҳар бир дақиқани қадрлайдиган ишбилармон ки. шилар учун айниқса мос: соат, минут, секундлари аниқ кўрсатади. Бежирим ғилоф соатларни чанг ва сувдан ҳи. мой қилади.

«СЛАВА» соатлари 1,5—2 йил хизмат қилувчи бата. рейналардан қувват олади. Унинг миллилари вақт неча бўл. ганнинг кўрсатиб туради.

Халқро виставаларда сазовор бўлган биринчи да. ражада мукофотлар ва олтин медаллар унинг афзаллик. ларидан далолат беради.

3056А калибри соатлар мурвати буралмай инки йил давомида ишлайди. Улар хромиланган, сув ўтказмайдиган тасмали ғилофда ишлаб чиқарилади. Уриниларга қарши мослама билан таъминланган. Узоқ вақт тақилмайдиган бўлса, соат механизмининг тўхтаб қўйса бўлади.

«СЛАВА» соатлари турли ёшдаги эркаклар учун мўл. жалланган. Нархи — 35 сўмдан 45 сўм 50 тейингача. МОСКВА «ИККИНЧИ СОАТСОЗЛИК ЗАВОДИ» ИШ. ЛАБ ЧИҚАРИШИ БИРЛАШМАС.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНING ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТ. ЛИГИ.

# ФАКАТ ИККИ КУН

12 ва 13 февралда ЦУМНИНГ «МАШИЙ ТЕХНИКА» ПАВИЛЬОНИДА

нархнини харидорларнинг ўзи белгилайдиган товарларнинг КИМ ОШДИ САВДОСИ

Ўтказилади КИМ ОШДИ САВДОСИГА

— жун ва жун аралаш газламалар, шойи газла. малар, — кўйлак, халат, пальто каби тикувчилик буюм. лари, — трикотаждан тикилган блузка, шим, юбка, кофталар, — галантерея товарлари: рўмоллар, чойшаблар, ёпқичлар, — эркаклар ва хотин-қизларнинг пойфазалари, — совгалар ҳавола этилади.

ЦУМ. «Союзторгреблама» Бутуниттифоқ бирлашмаси. нинг Ўзбекистон агентлиги.

# ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНАЛАР АКАДЕМИЯСИНING МАРКАЗИЙ ИЛМИЙ АСБОВСОЗЛИК ЛОЙИХА. КОНСТРУКТОРЛИК ВА ТЕХНОЛОГИЯ БЮРОСИ ФИЛИАЛИДА ИШЛАШ УЧУН ҚЎЙИДАГИ ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Бирламчи ва инкиламчи ўзгартгичларни, технологик жараёнларни назорат қилиш приборлари ва системалар. ни ишлаб чиқиниш ва қўлланиш бўлими бошлиғи вазифа. сига (фан кандидати ёки илмий даражасиз мазкур соҳада камида 10-15 йил меҳнат стажига билан).

Бирламчи ва инкиламчи ўзгартгичлар, прибор ва сис. темалар схемасини ишлаб чиқиниш; электрон асбоблар ва босма платаларни конструкциялаш; приборлар тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқиниш ва уларни саноатда қўл. ланиш; макетлаштириш, макет намуналари ва системалар. ни тайёрлаш; технология жараёнларини бошқариш автомат системалари лойиҳаларини ишлаб чиқиниш ва ҳисоблаш техникасидан фойдаланиш лабораторияларининг бошлиғи вазифаларига (мазкур соҳада камида 10 йил ишлаган ки. шилар таклиф қилинади).

Конкурс мўддати 5 мартгача. Мурожаат учун адрес: 700143, Тошкент шаҳри Акаде. микалар шаҳарчаси. Справкалар учун телефон: 62-72-73, 62-13-45.

# ЎЗБЕКИСТОН ССР ХўНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИНГ

3-УРТА ХўНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ 1988-89 ўқув йилига

# Қабул эълон қилади

БИЛИМ ЮРТИДА ҚЎЙИДАГИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЕРЛАНАДИ:

саноат асбоб-ускуналари ремонтчи бўйича слесарь, ме. ханика-йиғув ишлари слесари, электр-газ пайвандчи, фре. зерчи, электр монтаж (электр монтажчи), кенг профилда. ги станокчи, техника назорати бўлимининг контролёри, прессловчи-штамповачи, машинади-контакт пайванд бўй. ча электр пайвандчи, сонли программа билан бошқари. ладиган станокларнинг оператори.

Ўқиниш мўддати — 1-3 йил. ҲАҚИДА 8-10 СИНФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА БЎЛ. ГАН ИЙГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

3 йиллик таълим гуруҳларини тамомлаган ўқувчи. ларга ўрта хўнар-техника билим юртини тугатганлик ҳа. қида диплом берилади.

8-синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар ўқиниш да. врида 3 маҳал оват, бепул уст-бош ва коржомалар билан таъминланадилар, 10-синф маълумотига эга бўлган ўқу. вчилар стипендия оладилар.

Ишлаб чиқариниш практикаси даврида ўқувчиларга иш ҳақининг 50 проценти тўланади.

Бошқа шаҳарлардан келганларга секция типидagi ётоқ. хонадан жой берилади.

Ўқиниш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади. Билим юртини аъло баҳоларга тамомлаган ўқувчиларга ҳўкумат қарорига биноан билим юртини тамомлагандан кейинги мажбурий иш стажисиз ўқишга кириш ҳўқуқи билан олий ўқув юртиларига йўллама берилади.

Билим юртида техника инжени, бадий ҳаваскорлик, фото тўрақларни, спорт секциялари ишлаб турибди, билим дўрғарининг Чорвоқ посёлкаси районига ёғзи дам олиш базаси мавжуд.

Ўқиниш кириш учун қўйидаги ҳўжатларини топшириш лозим: ариза, турлиланлик ҳақидаги тўғоҳнома ёки пас. порт, маълумоти ҳақидаги хўжжат, саломатлиги ҳақида справка, яшаш жойидан справка, 6 дона фотосурат (3х4 см, ҳажмида).

МАНШЎЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ. Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, 50-алоҳа бўли. ми, Гёте кўчаси, 54-уй (21. 49-у автобусларнинг «3-СПТУ» бекати, 16. 89-автобусларнинг «Касб касалликла. ри институтини» бекати, «М. Горький» метр. порт станциясидан ҳар кун соат 8.30 дан бошлаб билим юртининг хизмат автобуси қатнайди.

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбек ва рус тилла. рида мустиқил равишда нашр этилади.

# «Тошкент оқшоми»

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбе. кистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриятининг Меҳнат Қи. зил Вайроқ ордени беомхаснони. Тошкент шаҳри.

# РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ:

700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлиmlар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет кури. диши ва халқ контроли — 32-54-34; саноат, транспорт ва алоҳа — 33-08-74, 32-57-84-84; шаҳар хўжалиги, савдо ва маийий хизмат — 32-55-39, капитал курилиши — 32-58-85-85; фан ва ўқув юртилари — 32-53-10; физкультура ва спорт, ҳарбий-атанпарварлик тар. ар. бинси — 32-55-32; маданият — 32-33-83; ахборот — 33-28-95; халқ ва оммавий ишларга қаршилик — 32-55-32; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32-53-66-66; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.